



Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким Рамазон
рўзасини тутиб, ортидан Шавволдан олти кунни эргаштириб (рўза
тутиб) қўйса, йил бўйи рўза тутгандекдир» (Имом Муслим ривояти).

Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам душанба куни рўзаси ҳақида
сўралганларида: «Бу мен туғилган кун, мен пайғамбар қилиб
юборилган ва менга Қуръон нозил қилинган кун», дедилар (Имом
Муслим ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ
соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Амаллар ҳар душанба,
пайшанба кунлари (Аллоҳга) кўрсатилади. Менинг амалим рўзадор
бўлган ҳолимда кўрсатилишини истайман» (Имом Термизий ривояти).



Ихтиёрий-нафл рўза тутиш (билинади) – оғизи мусулмонларга барор таъсирни саллаллоҳу алайҳи ва саллам душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишга эҳтимом берардилар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишга эҳтимом берардилар» (Имом Термизий ривояти).

Халилим соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар ойда уч кун рўза тутишни, (кунда) икки ракъат чошгоҳ намозини ҳамда ухлашдан аввал витр намозини ўқиши менга васият қилдилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу дедилар: «Халилим соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар ойда уч кун рўза тутишни, (кунда) икки ракъат чошгоҳ намозини ҳамда ухлашдан аввал витр намозини ўқиши менга васият қилдилар» (Муттафақун алайҳ).

Халилим соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар ойда уч кун рўза тутишни, (кунда) икки ракъат чошгоҳ намозини ҳамда ухлашдан аввал витр намозини ўқиши менга васият қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «(Ҳар ойдан) уч кун рўза тутиш умрбод рўза тутиш (билан баробар)» (Муттафақун алайҳ).

Шарҳ:

Рўза энг афзал ибодатлардан. Аллоҳ таоло Ўз фазлу марҳамати билан уни фақат муайян вақтгагина чекламай, балки хоҳлаган кишилар учун



истаган вақтида ихтиёрий-нафл рўза тутишини ҳам рухсат берди ва банда тоат-ибодатлардан ўзига захира қилиб олиши учун баъзи кунларнинг рўзасини фазилатда ортиқроқ ҳам қилди. Аллоҳнинг бирга ўн бериши фазлу марҳаматидан рўзанинг бир куни ўн кунга тотимоқда; 30 кун рўза 300 кунга Шавволдан тутилган 6 кун 60 кунга. Шунинг учун ҳам олти кун Шавволдан рўза тутиб қўйган одам йил бўйи рўза тутгандек эътибор қилинмоқда. Бир ойда 3 кун нафл рўза тутган одамга ҳам ўн баробар савоб берилиб, ойнинг ҳаммасида рўза тутгандек бўлмоқда.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Шаввол ойидан олти кун рўза тутишнинг фазилати ва у рамазон рўзаси билан биргаликда бир йил рўза тутганга teng бўлиши;
2. Душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишнинг фазилати;
3. Ҳар ойдан уч кун рўза тутишнинг фазилати ва у умрбод рўза тутишга tengлиги.